

## Ўзбекистон Республикаси номидан

### Ҳ У К М

2020 йил май ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Олтинсой туман суди, жиноят ишлари бўйича Узун туман суди биносида, очиқ суд мажлисида, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар Яшнаобод туман суди билан видеоконференцалоқа режимида, судья И.Абраевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Алимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Узун туман прокурорининг катта ёрдамчиси М.Чориев, судланувчи Ж.Уроқов ва унинг ҳимоячиси Шўрчи туманидаги “Худоуор-Ғемид” адвокатлик фирмаси адвокати Х.Давлятов, жабрланувчи Х.Раимов ва унинг ҳимоячиси “Шеробод Адвокат Жамоаси” адвокатлар хайъати адвокати А.Эгамбердиевнинг иштирокида Уроқов Жавохир Тохировга оид 1-1910-2001/7-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

**Уроқов Жавохир Тохиров**, 1987 йил 15 майда Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган вақтинча ишламайди, Термиз шаҳар Олтин тумани Гулзор 17/18 даҳаси Гулзор кўчаси 16-уй 1181-хонадонда яшайди, муносиб ҳуқуқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2020 йил 24 февраль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Уроқов Жавохир Тохиров 2019 йил 10 август куни соат 12<sup>00</sup> ларда Узун шаҳар “Нур” маҳалласи “Тош” кўчаси 55-уйда яшовчи собиқ поччаси Раимов Хасан Эсановнинг яшаш уйига опаси Ю.Уроқова билан бирга бориб, Х.Раимов фарзандларини кўрсатмаслик учун яшаш уйи кириш эшигини танаси билан тўсиб, уларни ичкарига киритмаганлиги сабабли Х.Раимов билан жанжаллашиб, жанжал вақтида Х.Раимовнинг бошига, юзига бир неча маротаба қасддан қўли билан уриб, унинг бошини қўли билан қисиб олган ҳолда эшикка уриб, Х.Раимовга “бош миянинг ёпиқ жароҳати, бурун суягининг учки қисмидан ёрилиб синиши, бурун тўсиғининг қийшайиши, бурун қиррасида шилинма, ўнг ва чап кўз қовоқ, чап елка, чап сон соҳалари юмшоқ тўқималарининг шиши, қонталаши, лат ейиши” кўринишидаги соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига олиб



келган қасддан соғлигининг бузилишига сабабчи бўлган енгил шикаст етказган.

Судланувчи Ж.Уроқов суд мажлисида айбига икромлик билдирмасдан, 2019 йил 9 август куни Термиз шаҳридан ўзига тегишли автомашинада опаси Уроқова Юрқин билан бирга йўлга чиқиб, 2019 йил 10 август куни соат тахминан 12.00 лар чамасида собиқ поччаси Раимов Хасаннинг Узун тумани “Нур” маҳалласи “Тош” кўчаси 55-уйда жойлашган яшаш уйига жиянларини кўриш учун борганлигини, эшикни тақиллатганларида жияни Билолхўжа югуриб келиб, “аям билан тоғам келибди” деб гапирганида Х.Раимов жиянини уйга олиб кириб кетиб, эшикни очмасдан уларни сўкиб, ҳақорат қила бошлаганлигини, жахли чиқиб эшикни бир тепганида эшик қийшайиб очилиб кетганлигини, ичкари ҳовлига кирганларидан сўнг опаси Ю.Уроқова уйга кирмоқчи бўлганида Раимов Хасан кириш эшиги олдида туриб олиб, опасини ичкарига киритмаганлигини, опаси Ю.Уроқова болаларини соғиниб кетганлиги сабабли уни уйга киритиш учун бир қўли билан Раимов Хасаннинг бўйнидан қисиб ушлаб олиб, иккинчи қўли билан эшикни очиб турганлигини, опаси ичкарига кириб кетганлигини, ўша вақти Х.Раимов унинг қўлини тишлаб олганлигини, Х.Раимовни умуман урмаганлигини, Х.Раимов бурнини эшикнинг қиррали жойига уриб олиб жароҳат олганлигини, уни итармаганлигини, Х.Раимов ўзига ўзи жароҳат етказганлигини, уни умуман урмаганлигини, тепмаганлигини, Х.Раимовнинг бошини қўли билан қисиб ушлаб турган вақтида ҳовлига жанжал овозини эшитган кўшнилари кириб келишганлигини, шундан сўнг кўчага чиққанликларини, касалхонага кетаётган вақтларида профилактика инспектори телефон қилиб, ИИБ га келишини сўраганлигини, ИИБ ходимлари 5-6 ойдан буён уни сарсон қилиб, Узун туманига чақириб, ишни чўзиб юришганлигини, Х.Раимовнинг уйига опаси билан борганлигини, бошқа шериклари бўлмаганлигини, Х.Раимов кўчадан ўтиб кетаётган болаларни унинг шериклари деб айтаётганлигини, у болаларни умуман танимаслигини, тўрт ёшидан буён Термиз шаҳрида яшаб келишини, Узун туманида танишлари йўқлигини, жанжал вақтида Х.Раимовнинг телефони олиб қўймаганлигини, автомашинасига Х.Раимовнинг телефони солиб қўймаганлигини, жабрланувчи Х.Раимов билан ярашмаслигини, иш юзасидан айби йўқлиги сабабли ундан кечирим сўрамаслигини, жабрланувчи ва унга яқин бўлган кўшниларнинг тухмат гапларига кўра дастлабки тергов органи унга ноҳақдан айб эълон қилганлигини, иш юзасидан айби йўқлиги сабабли оқлов ҳукми чиқаришни сўради.

Жабрланувчи Х.Раимов суд мажлисида, Уроқова Юрқин билан 2010 йил турмуш қуриб, икки нафар фарзанди бўлганлигини, 2018 йилда Ю.Уроқова унга хиёнат қилиб, бошқа биров билан қочиб кетганлигини, болаларини ўзида олиб қолганлигини, 2019 йил апрель ойига қадар Ю.Уроқовага бола керак бўлмаганлигини, шундан сўнг Ю.Уроқова болаларини ўзига олиш учун уни судга берганлигини, суд унинг фойдасига қарор чиқарганидан сўнг Ю.Уроқова укаси Уроқов Жавохир билан унинг



икки нафар фарзандларини олиб қочиш учун режа тузиб, 2019 йил 10 август куни соат тахминан 13.00 лар чамасида унинг уйига келишганлигини, ўша вақти болалари ҳовлидаги бассейнда чўмилаётган бўлганлигини, эшик қаттиқ тақиллай бошлаганидан сўнг кўнгли ниманидир сезиб, турмуш ўртоғи Хурсанова Элмира билан унинг ичига киргизиб, акаси Раимов Аслиддинга телефон қилиб, тез етиб келишини сўраганлигини, шу вақт эшикни тепиб синдирган ҳолда ҳовлига Уроқов Жавоҳир, Уроқова Юрқин ва икки нафар нотаниш ёш йигитлар кириб келишганлигини, уларни ичкарига киритмаслик учун уйга кириш эшиги олдида турганида судланувчи Уроқов Жавоҳир келиб юзига муштлаб урганлигини, кўлидаги телефони отилиб кетганлигини, улар билан келган икки нафар нотаниш болалар ҳам унга ёпишиб, эшикни очиб ичкарига кирмоқчи бўлишганлигини, Уроқов жавоҳир юзига, бурнига мушлатиб урганлигини, унинг қорачадан келган шериги бошига урганлигини, сариқдан келган бола эса орқасига урганлигини, собиқ хотини Уроқова Юрқин ерга тушиб кетган телефонини олиб қўйганлигини, ёрдам сўраб бақирганлигини, шундан сўнг икки нафар нотаниш болалар қочиш кетишганлигини, қўшнилари Азиза, Зарина, Собир ака ва унинг хотини уйига ажратиш учун кириб келишганлигини, судланувчи Ж.Уроқов уни унинг ичида ҳам урганлигини, Уроқова Юрқин эса мехмонхонаси деразасини синдирганлигини, Уроқова Юрқин укасига “ҳозир акаси келиб қолади, кетдик” деб айтганидан сўнг улар кўчага чиқиб кетмоқчи бўлишганлигини, телефонини қўшнисини Зарина Ж.Уроқовнинг автомашинасидан топиб олиб, унга қайтариб берганлигини, судланувчи ва опаси кетиб қолганидан сўнг қўшнилари билан кўчада турган вақтда қизи кўчадан икки боланинг ўтиб кетаётганлигини кўриб қолиб, “мана уйимизга кирган болалардан бири” деб бақирганлигини, шундан сўнг икки нафар нотаниш болалар қочиш кетишганлигини, қўшнилари уларни қувлаганлигини, болалардан сариқдан келганини профилактика инспектори ушлаб олиб келганлигини, унинг исми Олчинбек эканлигини билганлигини, қўшнисини Ислом ака қорачадан келган бола ташлаб кетган пичоқни топиб келганлигини, судланувчи Ж.Уроқов ва собиқ хотини Ю.Уроқовалар Узун туманида яшовчи Олчинбек ва Азизларни ҳам олдиндан ёллаб, ҳаммалари бир бўлиб, ундан болаларини тортиб олишни мақсад қилган ҳолда унинг уйига келишганлигини, дастлабки тергов органи эса ушбу жиноятни яшириб, ишни икки маротаба маъмурий судга оширганлигини, маъмурий суд бу ҳолатда жиноят бор деб қайтарганидан сўнггина иложсизликдан жиноят иши қўзғатиб, судланувчининг жиноий шериклари Олчинбек ва Азизларни жавобгарликка тортмаганликларини, улар билан уни юзлаштирмаганлигини, Олчинбекни Россияга қочириб юборганликларини, судланувчи Ж.Уроқов юзига урган вақтида кўлидаги телефони бузилган дарвоза томонга отилиб кетганлигини, телефонини Уроқова Юрқин олганлигини аниқ кўрганлигини, биринчи бўлиб қўшнисини Азиза, ундан сўнг Собир ака, кейин унинг хотини, ундан сўнг Зарина кириб келишганлигини, судланувчига нисбатан даъвоси борлигини, даволаниши учун, яшаш уйининг бузилган эшикларини таъмирлаш учун



кетган харажатларини тўлаб бермаганлигини маълум қилиб, судланувчига нисбатан қаттиқ жазо қўлаб, унинг икки нафар жиноий шерикларини ҳам жиноий жавобгарликка тортишни сўради.

Гувоҳ Ю.Уроқова суд мажлисида, Х.Раимов собиқ турмуш ўртоғи эканлигини, икки нафар вояга етмаган фарзандларини Х.Раимов ўзи билан олиб қолганлиги сабабли болаларини соғиниб, уларни кўриш учун 2019 йил 10 август куни соат тахминан 13.00 лар чамасида Х.Раимовнинг Узун тумани “Нур” маҳалласи “Тош” кўчаси 55-уйда жойлашган яшаш уйига келганлигини, келишидан олдин Узун туман хотин қизлар кўмитасига ҳам телефон қилганлигини, улар ҳам келаверинг, болаларингизни кўрсатади деб айтишганлигини, эшикни тақиллатганларида ўғли Билолхўжа югуриб келиб, “аям билан тоғам келибди” деб гапирганида Х.Раимов ўғли билан қизини уйга киритиб, эшикни очмасдан уларни ёмон сўзлар билан ҳақорат қилиб, сўкканлигини, укаси Уроқов Жавохирнинг жажли чиқиб, эшикни бир тепганида эшик бузилиб кетганлигини, ушбу уйда ўзи ҳам яшаганлигини, уйда нарсалари турганлигини, ушбу уйга киришга ҳуқуқи бўлсада Х.Раимов уни уйга киритмасликка ҳаракат қилганлигини, Х.Раимов уйга кириш эшиги олдида туриб олиб, уни ичкарига киритмаганлиги сабабли укаси Уроқов Жавохир Х.Раимовни ушлаб олиб, уни ичкарига киритиб юборганлигини, Х.Раимовнинг учинчи хотини эса ичкаридан туриб эшикни қулфлаб олмоқчи бўлганлигини, шу вақт Х.Раимов бошини эшикнинг қиррасига қайта-қайта уриб, ўзига жароҳат етказганлигини, ичкарига кирганида болаларини бир хонага қулфлаб қўйишганлигини билганлигини, болаларини кўра олмаганлигини, ичкарида Х.Раимовнинг учинчи хотини урмаганлигини, жанжал овозини эшитиб қўшниар чиқиб келишганлигини, Х.Раимов қўшнилар олдида укаси Жавохирга ташланиб, уни урмоқчи бўлганлигини, шундан сўнг ИИБ га бормоқчи бўлиб кўчага чиққанликларини, улар билан иккита нотаниш бола келмаганлигини, Узун туманида қариндошлари ёки танишлари йўқлигини, Х.Раимовнинг телефони олмаганлигини, мехмонхона ойнасини ҳам синдирмаганлигини, уйга эшикдан кирганлигини, болаларини унга олиб бериш тўғрисида суднинг қарори чиққан бўлсада Х.Раимов болаларини унга бермасдан, яшириб келаётганлигини, укаси Ж.Уроқов Х.Раимовни урмаганлигини, Х.Раимов бошини эшик қиррасига уриб, ўзига ўзи жароҳат етказганлигини баён қилди.

Гувоҳ З.Асадуллаева суд мажлисида, жабрланувчи Х.Раимов билан қўшни бўлиб яшашини, унинг уйдан уч уй нарида туришини 2019 йил 10 август куни соат тахминан 13.00 лар чамасида уйда ўтирганида синглиси қўшнининг уйда шовқин бўлапти, Хасан ака бакираяпти деб айтганлигини, шундан сўнг уйдан чиқиб, Х.Раимовнинг уйи томон кетаётганида кўчада олдидан икки нафар нотаниш йигитлар бошига қора кепка кийган ҳолда ўтиб кетишганлигини, Х.Раимовнинг ховлисига кириш эшиги синиб ётганлигини кўриб, ичкарига кирганида Уроқова Юрқин опа ва унинг укаси Жавохирнинг Раимов Хасан билан жанжаллашаётганлигини кўрганлигини, судланувчи Ж.Уроқов қўли билан Х.Раимовнинг юзига, бурнига бир неча маротаба урганини кўрганлигини,



қўшнилари билан бирга уларни ажратганликларини, Х.Раимов телефонимни топиб кел деб айтганидан сўнг унинг телефонини излаб топа олмаганлигини, судланувчи кўчага чиқиб, машинаси эшигини очган вақтда олд ўриндикда Х.Раимовнинг телефони турганлигини кўриб, ушбу телефонни олганлигини, кўчада турган вақтларида судланувчи Ж.Уроқов жабрланувчи Х.Раимовни яна урганлигини, судланувчи ва унинг опаси кетганидан сўнг кўчада турган вақтларида кўчадан икки нафар болалар қайтиб ўта бошлаганликларини, уларнинг боя олдидан ўтган болалар эканлигини таниганлигини, фақат уларнинг бошида кепкаси бўлмаганлигини, Х.Раимовнинг қизи “шу болалар уйимизга кирган эди” деб бақирган вақтда болалар қочиб кетишганлигини, Х.Раимовнинг уйига кирган вақтда каридорда жанжал бўлаётганлигини кўрганлигини, Ю.Уроқова болаларини олиб кетмоқчи бўлганлигини, Х.Раимов эса болаларини бермаганлигини, судланувчи Ж.Уроқова каридорда Х.Раимовни қўли билан буғиб ерга ётқизганлигини ва шу вақти қўли билан урганлигини, нотаниш иккита боланинг Х.Раимовнинг дарвозасидан чиқиб келаётганлигини кўрганлигини, у ерга борган вақтида ичкарида қўшнилари Собир ака, унинг хотини Бахтигул опа, Азиза опалар бўлишганлигини, ўзи охирида борганлигини, нотаниш икки нафар боланинг Х.Раимовни урганлигини кўрмаганлигини, уларнинг исмини тергов давомида билганлигини, улардан бири Олчинбек улардан бир кўча нарида яшашини, Азиз эса сал нарироқда яшашлигини баён қилди.

Гувоҳ С.Хушматов суд мажлисида, жабрланувчи Х.Раимов қўшнисини эканлигини, яшаш уйи рўпарасида Х.Раимовнинг яшаш уйи жойлашганлигини, 2019 йил 10 август куни соат тахминан 13.00 лар чамасида яшаш уйида дам олиб ётганида қизи қўшнисини Хасаннинг уйида шовқин бўлаётганлигини, Хасан ёрдам сўраб бақираётганлигини айтганлигини, деразадан қараганида Х.Раимовнинг эшиги бузиб очилганлигини кўриб, ёрдам бериш учун ҳовлисига кириб борганида Х.Раимовнинг яшаш уйига кириш эшиги атрофида акфадан қилинган беседка ичида судланувчи Ж.Уроқов жабрланувчи Х.Раимовнинг бўйнидан буғиб турганлигини кўрганини, Ж.Уроқов уни кўрганидан сўнг Х.Раимовни қўйиб юборганлигини, Х.Раимов ерга йиқилганидан сўнг Ж.Уроқов унинг ичкарисига кирганлигини, уларнинг изидан Х.Раимов билан бирга уйга кириб борганлигини, у ерда Уроқова Юрқинни кўрганлигини, болалар хонаси қулфланган холда бўлгани учун судланувчи Ж.Уроқов болалар хонасининг эшигини ҳам тепганлигини, Ю.Уроқова ётоқхонага кириб кетганлигини, Х.Раимовнинг уйига биринчи бўлиб ўзи ёрдамга келганлигини, унинг ортидан ҳовлига қўшнилари Хабиб, Азиза, турмуш ўртоғи Бахтигуллар кириб келганлигини, уларни ажратиб қўйишганлигини, судланувчи Ж.Уроқов кўчага чиққанидан сўнг у ерда ҳам тортишув бўлганлигини, судланувчи опаси билан кетганидан сўнг кўчадан икки нафар нотаниш йигитлар ўтаётганида жабрланувчининг вояга етмаган қизи Эъзога “уйимизга кирган болалар шулар эди” деб айтганлигини, у болаларни ёнларига чақиритганида улар қоча бошлаганлигини, улардан бирини профилактика инспектори ушлаб олиб



келганлигини, ундан нимага қочдиларинг деб сўраганида у ўзларинг нимага қувдиларинг деб жавоб берганлигини, яшаш уйлари рўпарама-рўпара жойлашганлигини, Х.Раимовнинг уйига қўшнилардан биринчи бўлиб кириб борганлигини, деразадан қараганида, Х.Раимовнинг уйига бораётганида эшик олдида, кўчада кки нафар нотаниш болаларни кўрмаганлигини баён қилди.

Гувоҳ А.Бозоров суд мажлисида, 2019 йил 10 август куни соат 13.30 лар чамасида дўсти Олчинбек билан бирга Узун тумани “Нур” маҳалласи “Тош” кўчасида яшовчи қариндоши Уроқов Исломнинг уйига ўт ўришга кетаётганларида йўлда одамлар тўпланиб турганлигини кўрганлигини, тўпланиб турган одамлар тўсатдан уларнинг олдида чиқиб қувиб кетишганлигини, кўркқанларидан қочиб кетишганлигини, улар Олчинбекни ушлаб олишганлигини, орадан бироз вақт ўтиб уни ҳам ИИБ га чақиртиришганлигини, ИИБ борганида ўша маҳаллада яшовчи бир одамнинг уйида жанжал бўлганлигини билганлигини, ушбу иш бўйича судланувчи Ж.Уроқовни умуман танимаслигини, у билан ҳеч қандай олди бердиси йўқлигини, жабрланувчи Х.Раимовнинг уйида бўлган жанжалдан хабари йўқлигини, у ерда нималар бўлганлигини билмаслигини, Х.Раимовнинг уйига умуман кирмаганлигини, воқеа жойидан топилган оёқ кийими ва пичоқ кимга тегишли эканлигини билмаслигини, жабрланувчи Х.Раимов Олчинбек билан унга тухмат қилаётганлигини баён қилди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, адвокатлар Х.Давлятов, А.Эгамбердиевларнинг фикрларини, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи Ж.Уроқов қўйилган айбга иқроп бўлмасида, унинг айби судда сўралган гувоҳларнинг кўрсатувлари, ҳамда :

- Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал;

- Суд тиббиёт экспертизасининг Раимов Хасаннинг баданида бош миянинг ёпиқ жароҳати, бош миянинг чайқалиши, бурун суягининг учки қисмидан ёрилиб синиши, бурун тўсиғининг қийшайиши, бурун қиррасида шилинма, ўнг ва чап кўз қовоқ, чап елка, чап сон соҳалари юмшоқ тўқималарининг шиши, қонталаши, лат ейиши каби тан жароҳатлари аниқланганлиги, ушбу жароҳатлар қаттиқ, ўтмас чегараланган ва қаттиқ ўтмас қиррали жисмлар билан бир неча таъсир натижасида етказилганлиги, оғирлик даражасига кўра соғлиқнинг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати деб баҳоланганлиги тўғрисидаги 2019 йил 12 августдаги 1205-сонли хулосаси;

- Суд тиббиёт экспертизасининг Уроқов Жавохирнинг баданида бош ўнг пешона, бош чап энса, чап елка ва камари, ўнг биллак, ўнг елка, чап елка каби соҳаларидаги қонталашлар, шилинмалар, тишланган яра ва шу соҳалар юмшоқ тўқималарининг латланиши каби тан жароҳатлари аниқланганлиги, жароҳатларнинг сонини инобатга олганда ушбу тан жароҳатлари ўтмас қаттиқ жисмнинг танага бир неча таъсири натижасида келиб чиққанлиги ва оғирлик даражасига кўра енгил тан жароҳати деб



баҳоланганлиги тўғрисидаги 2019 йил 12 август кунидаги 1200-сонли хулосаси;

- Юзлаштириш баённомалари ;

-Тушунтириш хатлари ва жиноят ишида мавжуд бўлган суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган далиллар билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ж.Уроқовнинг жанжал вақтида Х.Раимовни, жабрланувчи жароҳатларни ўзига ўзи етказганлиги тўғрисидаги важларига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг ушбу важларини жазодан қутилиб қолиш учун мақсадида келтирилган асоссиз важлар деб ҳисоблайди, унинг ушбу важлари жиноят иши ҳужжатларидаги гувоҳларнинг кўрсатувлари, юзлаштириш баённомалари, ҳамда Узун тумани тиббиёт бирлашмасининг хабарномаси, суд тиббиёт экспертизаси хулосалари билан рад қилинади.

Суд, жабрланувчи Х.Раимовнинг судланувчи Ж.Уроқов жанжал вақтида икки нафар жиний шериклари А.Бозоров, О.Мамадаминовлар билан бир гуруҳ бўлиб уни урганлиги тўғрисидаги важларига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг ушбу важлари дастлабки тергов даврида текширилиб, исботини топмаганлиги сабабли терговчи томонидан жиноят ишининг А.Бозоров ва О.Мамадаминовларга оид қисми Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 83-модадси 2-қисмига асосан ҳаракатдан тугатилганлигини инobatга олишни лозим топди.

Суд, гувоҳ З.Асадуллаеванинг Х.Раимовнинг уйига ёрдамга бораётганида унинг дарвозасидан икки нафар нотаниш йигитлар чиқиб келаётганлигини кўриб, ушбу йигитлар яъни О.Мамадаминов ва А.Бозоровлар билан кўчада рўпару келганлиги тўғрисидаги кўрсатувларига баҳо бериб, у ушбу кўрсатувларини қўшниси Х.Раимовни химоя қилиш мақсадида берган деб ҳисоблайди.

Суд тергови жараёнида аниқланишича Х.Раимовнинг яшаш уйдан ёрдам сўраб бақирган овозларини эшитиб, дастлаб унинг уйига рўпарадаги қўшниси С.Хушматов кириб борган, С.Хушмато ўз кўрсатмаларида деразасидан Х.Раимовнинг уйига қараганида, унинг уйига кириб бораётганида, дарвоза олдида ёки кўчада икки нафар нотаниш шахсларни кўрмаганлигини баён қилган. Воқеа жойига қўшниар ичида энг охирида етиб келган гувоҳ З.Асадуллаеванинг Х.Раимовнинг дарвозасидан икки нафар нотаниш шахслар чиқиб келаётганлигини кўриши мантиққа зиддир. Шу сабабли суд, гувоҳ З.Асадуллаеванинг кўрсатувларининг ушбу қисмини ишончсиз далил деб топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан Ж.Уроқовнинг жиний ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишнинг олдини олиш учун зарур ва етарли бўлган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги”, ушбу Кодекснинг 8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши,



яъни жиноятнинг оғир енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги”, ушбу Қарорнинг 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги”, 5-бандида эса “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги, қонун нормаси санкциясида альтернатив жазолар мавжуд бўлганда ҳукмда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони қўллаш зарурлиги тўғрисидаги масала муҳокама этилиши шартлиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Ж.Уроқовнинг ҳаракатларида жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ж.Уроқовга нисбатан жазо тайинлашда, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини ҳамда, қилмиш ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киришини эътиборга олиб, юқоридаги Қонун ва Пленум қароридаги тушунтиришларга риоя қилиб, судланувчини жамиятдан ажратмаган ҳолда ҳам ахлоқан тузатиш мумкин деган фикрга келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 109-моддаси 2-қисми билан мазкур модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни;

-жабрланувчи Х.Раимов судга етказилган моддий зарар миқдорини тасдиқловчи бирон бир ҳужжат тақдим этмаганлиги сабабли, унга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, ишнинг Ю.Уроқовага нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси, 52-моддаси 2-қисми, 61<sup>2</sup>-моддаси 1-қисми, Ж.Уроқовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси, 61<sup>2</sup>-моддаси 1-қисми, Х.Раимовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 52-моддаси 2-қисми билан бўлган қисмлари маъмурий иш тариқасида алоҳида иш юритувиغا ажратилганлигини қайд этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473, 497<sup>3</sup>, 497<sup>4</sup> -моддаларига амал қилиб, суд



## Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Уроқов Жавохир Тохиров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Уроқов Жавохир Тохировга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо, жазо ижросини назорат қилувчи орган ходимлари томонидан белгиланган жойларда ўтатирилсин. Жазони ўташ муддати унинг жазо ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижросини назорат қилиш Термиз шаҳар Олтин тумани ИИО ФМБ пробацация бўлими зиммасига юклатилсин.

Ж.Уроқовнинг муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи Х.Раимовга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нухасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи**

**(имзо)**

**И.Абраев**

*Аслига тўғри*

